

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ИКРАМОВ НАЗИР МЎМИНЖОНОВИЧ

**ҲАР ХИЛ ТАРКИБДАГИ ЛОЙҚАЛАРНИ ЎЗАН ТУБИДАГИ
ЖЎЯКЛАРНИНГ ГЕОМЕТРИК ВА ДИНАМИК
ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИГА ТАЪСИРИ**

05.09.07-Гидравлика ва муҳандислик гидрология

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Икрамов Назир Мўминжонович

Ҳар хил таркибдаги лойқаларни ўзан тубидаги жўякларнинг геометрик
ва динамик характеристикаларига таъсири 3

Икрамов Назир Муминжонович

Влияние неоднородности донных наносов на геометрические и
динамические характеристики грядовых форм русла 19

Ikramov Nazir Muminjonovich

Effect of bedload sediment heterogeneity on geometric and dynamic
characteristics of channel ridge forms 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 38

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ИКРАМОВ НАЗИР МЎМИНЖОНОВИЧ

**ҲАР ХИЛ ТАРКИБДАГИ ЛОЙҚАЛАРНИ ЎЗАН ТУБИДАГИ
ЖЎЯКЛАРНИНГ ГЕОМЕТРИК ВА ДИНАМИК
ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИГА ТАЪСИРИ**

05.09.07-Гидравлика ва инженерлик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.2.PhD/T.835 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш идислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мажидов Тахир Шадманович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Базаров Дилшод Раимович
техника фанлари доктори, профессор

Эшев Собир Саматович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти DSc.27.06.2017.T.10.02 рақамли илмий кенгашининг 2018 йил «2» ноябр соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-22-09, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (40 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «16» октябр куни таркатилди.
(2018 йил «16» октябр даги № рақамли реєстр бўйномаси)



Т.З.Сулганов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

А.А.Янгиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

А.М.Арифжанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда сув омборлари, ирригацион каналлар, насос станцияларининг олиб келиш ва гидроэлектростанцияларнинг деривацион каналлари каби гидротехник иншоотларни лойқа босишини башорат қилиш ва олдини олиш ҳамда уларнинг сув ўтказувчанлик қобилятини сақлаб қолиш усуллари яратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан ўзан туби лойқа чўкиндиларини ҳаракатланиш қонуниятларини ривожлантириш ва уларни гидротехник иншоотлари ҳамда гидромашиналарнинг ички қисмларига салбий таъсирини камайтирувчи технологияларни такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада, жумладан АҚШ, Германия, Россия, Хитой ва бошқа ривожланган давлатларда гидротехник иншоотлари, ирригацион каналлар, насос станцияларининг олиб келиш ва гидроэлектростанцияларнинг деривацион каналларини лойиҳалаш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг сув ўтказувчанлик қобилятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда сув ҳавзаларини дарё туб чўкиндилари билан тўлишини башорат қилиш, уларни олдини олиш ва камайтириш бўйича янги усул ва технологияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, туби ҳаракатланадиган ўзанларда туб жўяқларининг геометрик ва динамик параметрларини ҳисоблаш усуллари, сув омборлари, ирригацион каналлар, насос станцияларининг олиб келиш ва гидроэлектростанцияларнинг деривацион каналларини лойқа босиш жараёнларини камайтиришга йўналтирилган конструкцияларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда сув ресурсларидан, гидротехник иншоотларнинг сув ҳавзаларидан самарали фойдаланиш, сув омборларининг фойдали хажми ва каналларнинг сув ўтказувчанлик қобилятини сақлаб қолиш, уларни лойқа босишидан ҳимоялаш бўйича янги усуллар ва конструкциялар яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш»¹ муаммолари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан гидротехника ва гидроэнергетика иншоотлари таркибига кирувчи каналларни лойқа босиш миқдорини аниқлаш ва уларга туб чўкиндилари киришини олдини олиш конструкцияларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

«Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида»ги (1993) ва «Гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида»ги (1999) Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 13-сон «2014-2015 йилларда ва истикболда 2020 йилгача сувларни Ўзбекистон Республикаси сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII- «Табиатдан самарали фойдаланиш ва экология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзан жараёнларини ўрганиш асослари Леонардо да Винчи, Дю Буа, Дикон, Баумгартен, Полиа, Ф.Экснер, В.М.Лохтин, Н.С.Лелявский, К.И.Россинский, И.А.Кузьмин, И.В.Попов, Н.Е.Кондратьев, Н.А.Ржаницин, К.В.Гришанин, А.В.Караушев, И.Ф.Карасев, Б.Ф.Снищенко, К.Синохора, Т.Цубаки ва бошқалар томонидан яратилган.

Назарий, тажриба ва дала тадқиқотлари асосида С.М.Анцыферов, Р.Багнольд, И.Богарди, Холл Филипп, А.Б.Грэй, Р.Г.Дин, М.Ялин, М.А.Великанов, В.Н.Гончаров, К.В.Гришанин, К.Джильберт, В.К.Дебольский, Г.В.Железняков, Н.С.Знаменская, А.В.Караушев, Д.Кеннеди, В.С.Кнороз, З.Д.Копалиани, Ю.М.Корчоха, Е.Ричардсон ва Д.Саймонс, И.И.Леви, В.М.Маккавеев, Н.А.Михайлова, Ц.Е.Мирцхулава, М.А.Михалев, В.Ф.Пушкарев, К.И.Россинский, Г.Н.Лапшин, Б.Ф.Снищенко, Г.Эйнштейн, А.Г.Ходзинская, А.С.Чеботарев, О.А.Самохвалова, А.М.Мухамедов, Х.Х.Насриддинов, З.Н.Нуриддинов, Х.А.Исмагилов, Х.Ирмухамедов, В.Е.Тузов, Т.Ш.Мажидов, С.С.Эшев ва бошқалар томонидан туб жўякларнинг геометрик ва динамик характеристикаларини ўз ичига олган ўзан жараёнларини ҳисоблаш боғлиқликлари олинган.

Бу ишларда асосан бир таркибли ёки бир таркиблигига яқин бўлган кичик фракцияли туб лойқалар ёки уларни ўрнини босувчилар билан тадқиқотлар олиб борилган, ҳар хил таркибли туб лойқаларни таъсирини ўрганиш бўйича фақат солиштириб кўриш тажрибалари ўтказилган (бир хил диаметрли бир таркибдаги ва ҳар хил таркибдаги туб лойқалари билан) ҳамда оқим ва туб жўякларининг тузилиши характеристикаларини ўрганишда туб лойқаларнинг ҳар хил таркибли бўлиши тўлиқ ҳисобга олинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №2.8-«Гидроэнергетик иншоотларни эксплуатация қилиш режимларини

такомиллаштириш» (2011-2015), №2.11-«Гидроэнергетик қурилмаларини эксплуатация қилиш самарадорлигини ошириш ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш» (2015-2019) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳар хил таркибдаги туб чўкиндиларнинг ўзандаги жўяк шакллариининг геометрик (узунлиги ва баландлиги) ва динамик (харакатланиш тезлиги) параметрларига таъсирини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир жинсиз чўкиндиларни турли хиллигини ҳисобга олиш усулини такомиллаштириш;

ҳар хил таркибдаги туб чўкиндиларини оқим ўзанидаги жўяк шакллариининг геометрик (узунлиги ва баландлиги) ва динамик (харакатланиш тезлиги) параметрларига таъсирини баҳолаш;

насос қурилмаси сўриш қувурининг кириш қисмини ўзан тубига нисбатан баландлигини ва ирригацион каналларнинг, насос станцияларининг олиб келиш ҳамда гидроэлектростанцияларнинг деривацион каналларини тўғонсиз сув олиш иншоотлари остонаси баландлигини аниқлаш усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида дарёлар, ҳар хил тоифадаги ирригацион каналлар, ювиладиган ўзанларда ўтувчи насос станцияларининг олиб келиш ҳамда гидроэлектростанцияларнинг деривацион каналларининг сув олиш иншоотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети табиий сув оқимлари, ирригацион каналлар, насос станцияларининг олиб келиш ҳамда гидроэлектростанцияларнинг деривацион каналларини ювилувчи ўзанларида ҳосил бўлувчи жўяк шакллари ва уларнинг геометрик ва динамик характеристикалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида дала ва экспериментал, график ва аналитик усуллари ҳамда гидравликада умумий қабул қилинган услублардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туб чўкиндиларни турли хиллигини ҳисобга олиш усули табиатда учрайдиган ҳар хил фракцияларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

чўкиндиларнинг таркибини ўзандаги жўяк шакллариининг геометрик ва динамик параметрларига таъсирини аниқлаш усули туб чўкиндиларининг бир жинсизлик коэффициентини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

ўзандаги жўяк узунлиги, баландлиги ва силжиш тезлигини ҳисоблаш усуллари чўкиндиларининг бир жинсизлик коэффициентини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

жўякнинг геометрик параметрларини ҳисобга олган ҳолда насос қурилмаси сўриш қувурининг кириш қисмини ўзан тўбига нисбатан баландлигини ва ирригацион каналларнинг, насос станцияларининг олиб келиш ҳамда гидроэлектростанцияларнинг деривацион каналларини тўғонсиз сув олиш иншоотлари остонасининг баландлигини аниқлаш усуллари такомиллаштирилди.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

аллювиал ўзанларда туб чўкиндилар сарфини ва ўзан қаршилигини аниқлашда қўлланиладиган ҳар хил таркибдаги туб жўякларнинг узунлиги, баландлиги ва силжиш тезлигини аниқлаш бўйича ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилган;

насос қурилмаси сўриш қувурининг кириш қисмини ўзан тубига нисбатан баландлигини ва ирригацион каналларнинг, насос станцияларининг олиб келиш ҳамда гидроэлектростанцияларнинг деривацион каналларини тўғонсиз сув олиш иншоотлари остонаси баландлигини аниқлаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий физика қонуниятлари ва асосий назарий нисбатларга математик ишлов беришни қўллаш; олинган натижаларни математик статистика усули билан қайта ишлаш, ҳисобий ва назарий маълумотлар ҳамда бошқа тадқиқотчиларнинг натижалари билан қиёслаш орқали эришилган ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ювилувчи ўзанлардаги жўяк шакллариининг геометрик ва динамик характеристикаларини аниқлаш бўйича боғлиқликларни олиш, ҳамда оқим характеристикалари, бир таркибли бўлмаган туб чўкиндиларнинг кўрсаткичлари ва оқимнинг гидравлик характеристикалари ўртасида боғлиқликни аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган боғлиқликлардан аллювиал ўзанларда туб чўкиндиларни сарфини, насос қурилмаси сўриш қувурининг кириш қисмини ўзан тубига нисбатан баландлигини ҳамда насос станцияларининг олиб келиш ҳамда гидроэлектростанцияларнинг деривацион каналларининг тўғонсиз сув олиш иншоотлари остонаси баландлигини ҳисоблаш боғлиқликларини аниқлашга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳар хил таркибдаги лойқаларни ўзан тубидаги жўякларнинг геометрик ва динамик характеристикаларига таъсири бўйича олинган натижалар асосида:

дарё ва каналлар ўзани тубида ҳаракатланаётган ҳар хил таркибдаги чўкиндиларнинг узунлиги, баландлиги ва силжиш тезлигини ҳисоблаш усули “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тасарруфидаги «SUVMASH» АЖ ва «UZGIP» МЧЖларга жорий этилган (“Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг 2018 йил 22 июндаги 02-05/1170-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларини жорий этилиши натижасида ўзан тубидаги чўкиндилар сарфини аниқлаш ва лой босиш даражасини башорат қилиш имкони берган;

насос қурилмаси сўриш қувурининг кириш қисмини ўзан тубига нисбатан баландлигини ҳисоблаш усули “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тасарруфидаги «SUVMASH» АЖ ва «UZGIP» МЧЖларга жорий этилган (“Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг 2018 йил 22 июндаги 02-05/1170-сон маълумотномаси). Натижада насосларнинг ва босимли қувурларни абразив емирилишини камайтириш имкони яратилган;

ирригацион каналлар, насос станцияларининг олиб келиш ҳамда гидроэлектростанцияларнинг деривацион каналларининг тўғонсиз сув олиш иншоотлари остонасини баландлигини аниқлаш усули “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тасарруфидаги «SUVMASH» АЖ ва «UZGIP» МЧЖларга жорий этилган (“Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг 2018 йил 22 июндаги 02-05/1170-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни жорий этилиши каналларни лой босишини ва гидротурбиналарни абразив емирилишини камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрлардан 6 мақола, жумладан 2 таси хорижий журналда.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳар хил таркибли туб чўкиндилари силжишининг тузулмавий шакли ва режалаштирилган тадқиқотнинг вазифалари**» деб номланган биринчи бобида табиий ва сунъий ҳосил қилинган сув манбаларида туб чўкиндиларни жўякли харакатланишининг ўрганилганлиги, туб тузилмаларнинг геометрик ва динамик параметрларини оқим ва чўкиндиларнинг характеристикаларига боғлиқликларини ўрганишга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари таҳлили келтирилган.


Туб чўкиндиларни жўякли харакатланишининг ўрганган муаллифларнинг ишларини таҳлили маълум аҳамиятга эга бўлиб, маълумотлар тўпланишига ўз ҳиссасини қўшган бўлса ҳам, туб чўкиндилар жўякли харакатланишининг ўрганишда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни ҳозирча бартараф этишга ва уларни кенг миқёсда табиий шароитда қўлланилишига олиб келмади, чунки тажриба синовлари асосан бир таркибли ёки бир таркиблигига яқин бўлган кичик фракцияли туб лойқалар ёки уларни ўрнини босувчилар билан тадқиқотлар олиб борилган, ҳар хил таркибли туб лойқаларни таъсирини ўрганиш бўйича фақат солиштириб кўриш тажрибалари ўтказилган (бир хил

диаметрли бир таркибдаги ва ҳар хил таркибдаги туб лойқалари билан) ҳамда табиий турдаги бир хил ўртача диаметрли оқим шакллантирувчи чўкиндиларини оқимнинг гидравлик характеристикалари ва туб жўяқларининг геометрик ва динамик характеристикаларига таъсири аниқланмаган.

Диссертациянинг «Тажрибаларда ишлатилган чўкиндиларнинг асосий характеристикалари» деб аталган иккинчи бобида синов грунтларининг физик-механик характеристикалари, тажрибаларда қўлланилган чўкиндиларнинг фракция таркиби ва ҳар хил жинслилик коэффиценти таҳлили келтирилган.

Табиий шароитда тоғ ва тоғ олди дарёларининг ўзанлари турли хил ўзан шакллантирувчи чўкиндилардан ҳосил бўлган. Тоғ дарёларида ўзан шакллантирувчи чўкиндилар сифатида асосан йирик фракцияли ва ўрта фракцияли чўкиндилар ташкил этса, тоғ олди дарёларда бўлса кичик фракциялилари бўлади. В.Н.Гончаров маълумотларига қараганда, ўзан шакллантирувчи чўкиндиларнинг турлари йил мавсумларига боғлиқ равишда ўзгаради, чунки дарё асосан қишқи даврда ер ости сувлари ҳисобига тўйинса, баҳорда эса кўп миқдорда тупроқнинг кичик заррачаларига эга бўлган ер усти сувларининг қўшилиши билан тўйинади. Шундай қилиб, чўкиндиларнинг таркиби йирик фракциялидан кичик фракцияли туригача ўзгаради, лекин оралиқ шакллари бўлиб ўрта ва тенг фракцияли ҳамда чегаравий фракцияли бўлиши мумкин.

Ўрта Осиёнинг тоғ ва тоғ олди дарёлари бўйича кўплаб маълумотлари билан танишиш натижасида ҳар хил туб тузилмаларнинг оқим ва чўкиндиларнинг ҳаракатланиш шакли характеристикаларига боғлиқликларини аниқлаш учун биз олти турдаги ҳар хил таркибда бўлган чўкиндилар (чегаравий фракцияли, кичик фракцияли, йирик фракцияли, тенг фракцияли, ўрта фракцияли ва бир жинсли) танлаб олинди (1-расм). Бошланғич материал сифатида Чирчиқ дарёсининг Ғазалкент тўғони участкасидаги туб чўкиндилари олинган.



1-расм. Тажиба материалларининг гранулометрик таркиби эгрилари.

Чўкиндиларнинг таркиби кўритилган материални ҳар хил ўлчамли элаклардан ўтказиш натижасида олинган. 10 мм.ли элакдан ўтмаган катта заррачаларни олиб ташлангандан сўнг, қолган материал яна юмалоқ тирқишга эга бўлган 7,0; 5,0; 3,0; 2,0; и 1,1 мм.ли ва тўртбурчак тирқишли 0,5; 0,25 ва 0,1 мм ўлчамли элаклардан ўтказилган. Ҳар хил таркибдаги чўкиндилар билан тажриба ўтказишда ўрта диаметрлари 2,5 мм.га тенг бўлган 0,1 дан кам; 0,1÷0,25; 0,25÷0,5; 0,5÷1,0; 1,0÷2,0; 2,0÷3,0; 3,0÷5,0; 5,0÷7,0 и 7,0÷10,0 мм.ли таркиблар қабул қилинган.

Табиатда гидрологик маълумотларни жуда кўплиги сабабли гранулометрик эгрларнинг абсолют сонларини ҳосил қилиш мумкин эмас. Шунинг учун барча қолган гранулометрик эгри нуқталарини унга нисбатан ифодалаш мумкин бўлган қийматни аниқлаш зарурияти пайдо бўлмоқда. Бундай қиймат асосида И.В.Егиазаров гранулометрик эгрини юқорисида жойлашган графикнинг юзаси асосида аниқланадиган d (индексиз)ни, Г.А.Петухова– d_{50} , В.К.Дебольский– d_{67} , Н.А.Котлова– d_{70} ни ва ҳ.к. таклиф қилишган.

Г.А.Петухова тадқиқотлари натижасида Европа ва Кавказнинг бир қатор дарёларининг туб чўкиндиларининг энг барқарор кўрсаткичи d_{50} сифатида аниқланган, Е.А.Дымшиц ва бошқалар эса Полометь ва Угра дарёларини кузатиш натижасида туб узунлиги бўйича чўкиндилар диаметрини бир хил 50% га яқин таъминланганлигини кўрсатади.

Г.А.Петухова, Е.А.Дымшиц ва Т.Ш.Мажидов тадқиқотларига асосланиб, турли жинсли таркибнинг диаметри сифатида 50% таъминланганлик (d_{50}), ҳар хил жинслилик коэффиценти параметри сифатида эса- ўртача диаметрни 50% таъминланганлик диаметрга нисбати $\left(\frac{d_{срв}}{d_{50}}\right)$ қабул қилинди (1-жадвал).

1-жадвал.

Бошланғич табиий ва сунъий тайёрланган чўкиндилар гранулометрик таркибининг ўртача параметрларини қийматлари


№	Чўкиндиларнинг турлари ва уларнинг йириклиги, мм	Ўртача диаметр, мм	d_5 , мм	d_{10} , мм	d_{25} , мм	d_{50} , мм	d_{75} , мм	d_{95} , мм	$\frac{d_{срв}}{d_{50}}$
1	Юқори фракцияли (0,1÷5,0)	2,49	0,07	0,15	0,25	3,08	3,80	4,0	0,83
2	Кичик фракцияли (0,1÷10,0)	2,51	0,05	0,15	0,45	1,12	2,70	7,10	2,24
3	Йирик фракцияли (0,1÷5,0)	2,53	0,32	0,57	1,45	2,0	2,96	3,78	1,24
4	Тенг фракцияли (0,1÷10,0)	2,51	0,03	0,07	0,20	1,05	3,45	7,0	2,8
5	Ўрта фракцияли (0,1÷7,0)	2,48	0,45	0,58	0,80	1,30	2,80	5,15	1,88
6	Бир жинсли (2,0÷3,0)	2,50	-	-	-	2,50	-	-	1,0
	Бошланғич табиий (0,1÷10,0)		0,1	0,15	0,30	0,87	2,0	3,90	

Диссертациянинг «Ҳар хил жинслиликни тубнинг тузилиш шаклига таъсири бўйича тажриба тадқиқотлари» деб аталадиган учинчи бобида ҳар хил таркибдаги туб чўкиндиларни ўзан жўяклари шакллариининг геометрик

(жўяқларнинг узунлиги ва баландлиги) ва динамик (силжиш тезлиги) характеристикаларига таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Тажриба тадқиқотларини ўтказишда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг ўзан лабораториясидаги гидравлик лотокдан фойдаланилган (2-расм).

Оқимнинг гидравлик элементларининг ўлчашлари лоток бошидан 2,0 м; 4,0 м; 6,0 м ва 8,0 м масофада жойлашган тўрта ораликларда амалга оширилган.



2-расм. Ясси ойна билан қопланган экспериментал қурилманинг схемаси: 1-асосий бассейн; 2-асосий бак; 3-сув қабул қилиш баки; 4-сўндиргичнинг сеткалари; 5-боғловчи қувури; 6-водослив; 7-дозатор; 8-лоток; 9-рельс; 10-марказдан қочма насос; 11,12-бассейн тиндиргич; 13-қайтма қувурлари; 14-бошқарувчи тўсиқ; 15-тинчлантирувчи стружкалар.

Лотокнинг ойнали деворлари барча жараёнларни кўз билан кўриш ҳамда расм ва видео орқали уларни белгилаш, ва натижада уларнинг кинематикаси ва динамикаси тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини беради.

Экспериментал тадқиқотлар 6 серияли асосий тажрибаларни ўз ичига олган. Ҳар бир серия сув сарфлари $Q=5, 10, 15, 20$ л/с.га тенг бўлган ўндан ўн бештагача тажрибалардан ташкил топган. Доимий сув сарфида фақат узатилаётган қаттиқ чўкиндиларнинг миқдори ўзгарган (биттадан олтигача тажрибалар ўтказилган). Умумий ҳисобда 81 тажриба ўтказилган.

Тажрибаларни ўтказиш Н.С.Знаменская, З.Д.Копалиани, Т.Ш.Мажидов ва бошқаларнинг методикасига яқин қилиб қабул қилинган. Юқорида келтирилган муаллифларнинг методикасидан фарқли равишда барча турдаги қабул қилинган чўкиндилардаги тажрибалар оқимнинг бир хил бошланғич чуқурлиги, чўкиндиларнинг ва сувнинг сарфларида бошланган.

Ҳар бир сарфдаги тажрибалар энг кам чўкиндилар миқдори билан бошланган. Кейинги тажрибаларда фақат узатилаётган қаттиқ чўкиндилар миқдори ўзгарган, сув сарфи ва лоток охиридаги тўсиқнинг ҳолати тажрибанинг охиригача ўзгармай қолган.

Барча сериядаги тажрибалар чўкиндилар йириклиги ($d_{\text{срв}}$) ювилмасли тезлиги (ϑ_0) га мос бўлган нишабликда бошланган. Бунинг учун, тажрибадан олдин В.С.Кнороз тенгламаси асосида тубнинг нишаблиги ҳисобланган:

$$I_0 = k \frac{d_{\text{срв}}}{R}, \quad k = a^2 \rho' \quad (1)$$

бу ерда a қуйидаги формуладан аниқланади:

$$a = \frac{\vartheta_0}{\sqrt{\rho' d g}} \quad (2)$$

бунда $\rho' = \frac{\rho_1 - \rho}{\rho}$, ρ_1 ва ρ – қаттиқ заррачалар ва сувнинг зичликлари.

Ҳар бир фракциянинг ювилмаслик тезлигининг қиймати Т.Ш.Мажидов томонидан ҳар хил фракцияли чўкиндилар учун таклиф қилган тенгламаси асосида ҳисобланган:

$$\vartheta_0 = 0,5 Ar^{0,032} \left(\frac{H}{d}\right)^{0,25} \sqrt{g \rho' d} \left(\frac{d}{d_{50}}\right)^{85,4} \left(\frac{\vartheta_{01}}{\sqrt{g \rho' H}}\right)^{4,0} \quad (3)$$

бу ерда $Ar = \frac{g \rho' d^3}{\nu}$ – Архимед сони;

H – оқимнинг ўртача чуқурлиги;

ϑ_{01} – ҳисобланаётган диаметр учун бир жинсли чўкиндиларнинг ювилмаслик тезлиги.

Тажриба олдиан лоток тубига 0,15 м қалинликда ва маълум нишаблик I_0 да чўкиндилар ётқизилган. Тажриба бошланишидан олдин материал сув остида 12-24 соат ушлаб турилган. Ҳар бир тажрибани бошланишида, лоток тубининг ювилиб кетмаслиги учун, пастки бьеф томонидан тўсиқнинг ёпиқ ҳолатида 30-40 см чуқурликгача сув тўлдирилган. Сув сарфи белгиланиб, жўяклар ҳосил бўладиган, яъни ўртача тезлик ювилмаслик тезлигига яқин бўладиган ($\vartheta_{\text{ср}} = \vartheta_0$) ҳолатга келганда, лотокдаги сувнинг чуқурлиги ростланиши орқали оқимнинг барқарор режими ўрнатилган ва ундан кейин лотокнинг бошланғич участкасида маълум миқдордаги чўкинди берилиши бошланган. Маълум вақтдан сўнг, бошланғич участкада тубнинг отметкаси ўзгартирилган ва оқимнинг тезлиги оширилган. Ҳосил бўлган тубнинг баланд қисми- ягона жўяк, оқим бўйлаб пастки ҳаракатлана бошлаган ва лотокнинг тўлиқ эни бўйича ўтган. Бу тўлқинни ўтканидан сўнг лотокда тубнинг янги нишаблиги ва эркин сув сатҳи ўрнатилган. Гидродинамик мувозанат ҳолати, яъни ушлаб олинган чўкинди сарфи узатилаётган сарфга тенг ва ювилувчи ўзан тубининг нишаблиги ўртача ўзгармас бўлганда, микроэхолот ёрдамида туб рельефи ўлчаниши бошланган, сўнг тажриба тўхтатилган. Жўякларнинг геометрик ва динамик ўлчамларини ривожланишини ўрганиш учун тажрибани тўхтатмасдан эхолот ёрдамида ўлчашлар олиб борилган. Бунда аравагани ҳаракатланиш тезлиги оқимнинг тезлигига яқин бўлган.

Эхолот ёрдамида аниқланган силжиш тезлиги кўз билан кузатиш натижалари билан текширилган. Хажмий усулда туб чўкиндиларининг сарфини аниқлашда, чўкиндиларнинг харакатини ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда хатоликларни олдини олиш учун, чўкиндиларнинг миқдорини туб тўлқинларининг 3-4 ўтиш вақтидагиси қабул қилинган.


Тажриба тўхтатилгандан сўнг, лотокдаги сув тубнинг шаклини бузмасдан аста-секин чиқариб ташланган. Туб шакллариининг параметрлари ўлчанган ва расмга олинган.

Туб шакллариининг узунлиги бўйича заррачаларнинг йириклигини тақсимланганлигини аниқлаш учун бир нечта жойдан проба олинган. Чўкиндиларни чўкиш натижасида тўлқинларни ҳосил бўлишини ўрганиш учун туб қалинлиги бўйича ҳам пробалар олинган. Оқимнинг ўртача тезлиги жўяк юқори қисмидан ҳисобланганда оқимнинг ўртача чуқурлиги асосида аниқланган. Оқимнинг кинематикасини ўрганиш пайтида тезлик бир вақтнинг ўзида бир нечта микровертушкалар билан ўлчанган.

Бу сериянинг бошқа тажрибаларида В.Ф.Пушкарев усули бўйича, олдинги тажрибанинг охирида бўлганидек, тубнинг нишаблиги ўзгармай қолган, фақат узатилаётган чўкиндилар миқдори кўпайган. Бошқа сериядаги тажрибаларга ўтиш пайтида тубнинг нишаблиги бошидан ўрнатилган.

Чўкиндилар таркибини оқимнинг гидравлик характеристикаларига таъсирини ўрганиш учун тажриба маълумотлари таҳлил қилинди.

Бизнинг тадқиқотларимизнинг асосий эътиборларидан бири жўякнинг узунлигини чўкиндиларнинг таркиби, заррачаларнинг йириклиги ва оқимнинг нисбий тезлиги ϑ / ϑ_0 боғлиқлигини аниқлашдан иборат эди. Бу мақсадда тажриба маълумотлари асосида ҳар хил таркибдаги чўкиндилар учун ўлчовсиз кўринишдаги $\ell_2 / d = f(\vartheta / \vartheta_0)$ график боғлиқликлар қурилди (3-расм).



3-расм. Жўякнинг нисбий узунлиги ва чўкиндиларнинг таркибини оқимнинг нисбий тезлига боғлиқлик графиги.

График боғлиқликларнинг таҳлили асосида умуий кўринишдаги боғлиқликни келтириб чиқардик:

$$l_r = d \left(-(49,9\varepsilon^2 - 127,4\varepsilon + 594) \left(\frac{\vartheta}{\vartheta_0} \right) + 262,9\varepsilon^2 - 682,4\varepsilon + 1824 \right) \quad (4)$$

График кўринишдаги маълумотни таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:

- бир хил қийматдаги ϑ/ϑ_0 да чўкиндилар заррачаларининг йириклиги ошиши билан жўяк узунлиги камаймоқда;


- оқимнинг тезлиги ва тупроқнинг ҳаракатчанлиги ошиши билан заррачаларнинг йириклигини таъсири жўяк узунлигига камаймоқда;

Олинган натижалар Б.Ф.Снищенкони, жўякларнинг узунлиги заррачаларнинг йириклиги билан қарама-қарши боғлиқликга эга деган хулосасини исботлайди.

Жўяк узунлигини аниқлаш бўйича олинган тажриба маълумотларини ҳисоблаш формулалари ёрдамида олинганлари билан тақослаб кўрдик, натижа қониқарли бўлди.

Тадқиқотларимиз вазифасига кирган кейинги параметр сифати жўяк баландлиги кўрилган. Ўзан оқимининг жўяк баландлигини аниқлаш ўзанининг гидравлик қаршилигини аниқлаш пайтида туб ғадир-будурлигини баҳолашда ҳамда туб чўкиндиларининг сарфи ва ўзан деформацияларини ҳисоблашда зарур бўлади.

Жўяк баландликлари сув оқими ўзанини ташкил қилувчи оқимнинг гидравлик элементлари ва грунтнинг характеристикаси билан мураккаб функционал боғлиқликга эга. 4-расмда ҳар хил таркиб ва бир хил ўртача йирикликга эга чўкиндиларни жўяк нисбий баландлигини нисбий тезликлар - ϑ/ϑ_0 га боғлиқлик эгрлари келтирилган.



4-расм. Жўякнинг нисбий баландлиги ва чўкиндиларнинг таркибини оқимнинг нисбий тезлига боғлиқлик графиги.

Тўйинганлик миқдори 0,52 г/л дан 2,0 г/л.гача ва нисбий тезликлар - $\vartheta/\vartheta_0=1,0\div 2,2$ бўлганда жўяк баландлиги ошган. Жўяк баландликларининг максимал қийматлари $\vartheta / \vartheta_0 = 2,2\div 2,4$ оралиқга тўғри келди. Тезликлар нисбатини кейинги ўсишида ($\vartheta / \vartheta_0 > 2,4$) жўяк баландликлари пасаяди. Бунда


чўкиндиларнинг йириклигининг таъсири ҳам камаяди. $\vartheta/\vartheta_0=2,3\div 2,5$ бўлганда чўкиндиларнинг йириклигини таъсири унчалик сезилмайди.

Олинган графикларнинг таҳлили қуйидаги кўринишдаги умумий боғлиқликни берди:

$$h_r = d \left(-4,38 \cdot e^{0,23 \cdot \varepsilon} \cdot \left(\frac{\vartheta}{\vartheta_0} \right)^2 - (9,2\varepsilon^2 - 35,8\varepsilon - 12,7) \cdot \left(\frac{\vartheta}{\vartheta_0} - 1,1 \right) \right) \quad (5)$$

Жўяк баландлигини аниқлаш бўйича олинган тажриба маълумотларини ҳисоблаш формулалари ёрдамида олинганлари билан тақослаб кўрдик, уларнинг натижаси ҳам қониқарли бўлди.

Бизнинг тадқиқотларимизнинг кейинги асосий эътиборларидан бири жўякнинг силжиш тезлигини чўкиндиларнинг таркиби, заррачаларнинг йириклиги ва оқимнинг ўртача ва ювилмаслик тезликларининг фарқига боғлиқлигини аниқлашдан иборат эди. Бу мақсадда тажриба маълумотлари асосида ҳар хил таркибдаги чўкиндилар учун $C_r = f(\vartheta - \vartheta_0)$ график боғлиқликлари тузилди (5-расм).



5-расм. Жўякнинг силжиш тезлигини чўкиндиларнинг таркиби ва оқимнинг ўртача ва ювилмаслик тезликларининг фарқига боғлиқлиги графиги.


Қурилган графиклар асосида қуйидаги кўринишдаги умумий боғлиқликни олдик:

$$C_r = (0,0026\varepsilon^2 - 0,0066\varepsilon + 0,033) \cdot (\vartheta - \vartheta_0) - 0,11\varepsilon^2 - 0,6 \quad (6)$$


Экспериментал тадқиқотлар натижаси оқимнинг тезлиги ва заррачаларнинг йириклиги ошиши жўякларнинг силжиш тезлигини ошишига олиб келишини кўрсатди. Жўяк силжиш тезлигини аниқлаш бўйича олинган тажриба маълумотларини ҳисоблаш формулалари ёрдамида олинганлари билан тақослаб кўрдик, натижаси қониқарли бўлди.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижаларини гидротехник ва гидроэнергетик иншоотларини лойиҳалашда қўллаш» деб аталадиган тўртинчи бобида насос станцияларининг олиб келиш ҳамда

гидроэлектростанцияларнинг деривацион каналларининг тўғонсиз сув олиш иншоотлари остонаси баландлигини ҳамда тўғридан-тўғри дарё ёки магистрал каналлардан сув олувчи насос қурилмасининг вертикал ўрнатилган сўриш қуворини ўзан тубига нисбатан ўрнатиш баландлигини аниқлаш методикалари келтирилган.



6-расм. Туб жўякларини ҳисобга олган ҳолда остона баландлигини аниқлаш схемаси.



7-расм. Насос қурилмасининг вертикал ўрнатилган сўриш қуворини ўзан тубига нисбатан ўрнатиш баландлигини аниқлаш схемаси.

Бу вазифаларни ечиш бўйича бажарилган барча ишларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни қабул қилишни тавсия берамиз:

жўяк тубли остонанинг баландлигини (6-расм) қуйидаги формула орқали аниқлаш:

$$H_{\text{ост.}} = h_1 + h_2 \quad (7)$$

бу ерда $h_1 = h_r$ – туб жўякларининг баландлиги, (5) формула ёрдамида аниқланади;

h_2 – жўяк баландлиги пульсациясини ҳисобга олувчи қиймат, қуйидагича олиш тавсия этилади:

- қумли чўкиндилар учун - $h_2 = 0,2 \cdot h_r$;

- шағал-тошли чўкиндилар учун - $h_2 = 0,5 \cdot h_r$.

насос қурилмасининг вертикал ўрнатилган сўриш қувурини ўзан тубига нисбатан ўрнатиш баландлигини:

$$h = h_r + 0,5D_{\text{қир}} \quad (8)$$

бу ерда $h_1 = h_r$ – туб жўяқларининг баландлиги, (5) формула ёрдамида аниқланади;

$D_{\text{қир}}$ – сўриш қузури кириш қисмининг диаметри.

Таклиф этилаётган методикаларни қўлланиши, каналларни лой босишини ва насосларни абразив емирилишини камайишига олиб келади.

ХУЛОСА

«Ҳар хил таркибдаги лойқаларни ўзан тубидаги жўяқларнинг геометрик ва динамик характеристикаларига таъсири» мавзусида фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бир жинсли бўлмаган чўкиндиларнинг турларини ҳисобга олиш усули такомиллаштирилди. Чўкиндиларни бир жинсизлик коэффиценти сифатида $\frac{d_{\text{срв}}}{d_{50}}$ қабул қилиниши энг мақбўл фракция таркибини аниқлаш имконини беради;

2. Ўтказилган тажриба тадқиқотлари оқим ва ўзан комплекс характеристикаларини ҳар хил таркибли чўкиндиларга боғлиқлигини миқдорий баҳолаш имконини беради;

3. Тажриба маълумотлари асосида ўтказилган таҳлиллар туб чўкиндиларини турли таркибга эғалигини ҳисобга олган ҳолда жўяқ узунлиги ва баландлигини оқим нисбий тезлиги ҳамда бир жинсизлик коэффицентиغا боғлиқлиги аниқланди. Олинган боғлиқликлар дарё ва канал ўзанлари тубини қандай шаклга эга бўлишини билиш ва оқим ҳаракатланишига қаршилигини аниқлаш имконини беради;

4. Ўтказилган таҳлиллар асосида туб чўкиндиларини турли таркиблигини ҳисобга олиб жўяқ шаклларининг силжиш тезлигини оқимнинг ўртача тезлиги ва ювилмаслик тезликларининг фарқи ҳамда бир жинсизлик коэффицентиغا боғлиқлиги аниқланди. Олинган боғлиқликлар дарё ва каналлар ўзанида ҳаракатланаётган туб чўкиндилар сарфини аниқлаш ва лой босиши миқдорини башорат қилиш имконини беради;

5. Олинган боғлиқликларни тоғ олди ва текисликларда ўтадиган дарё ва каналлар туб чўкиндилари сарфини ва лой босиш миқдорини аниқроқ аниқлаш имконини беради;

6. Ўзан туб жўяқлари баландлигини ҳисобга олиш ирригацион каналлар, насос станцияларининг сув олиб келиш ҳамда гидроэлектростанциялар деривацион каналларининг тўғонсиз сув олиш иншоотлари остонасининг энг мақбўл баландлигини аниқлаш имконини беради;

7. Тадқиқотлар натижалари тўғридан-тўғри дарё ёки магистрал каналлардан сув олувчи насос қурилмасининг вертикал ўрнатилган сўриш қувурини ўзан тубига нисбатан мақбўл ўрнатиш баландлигини ўзан туб жўяқлари баландлигини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ИКРАМОВ НАЗИР МУМИНЖОНОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ НЕОДНОРОДНОСТИ ДОННЫХ НАНОСОВ НА
ГЕОМЕТРИЧЕСКИЕ И ДИНАМИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ
ГРЯДОВЫХ ФОРМ РУСЛА**

05.09.07-Гидравлика и инженерная гидрология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высший аттестационной комиссии при Кабинета Министров Республики Узбекистан за №В2018.2.PhD/Т.835

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tiame.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Мажидов Тахир Шадманович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Базаров Дилшод Раимович
доктор технических наук, профессор

Эшев Собир Саматович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный
технический университет**

Защита диссертации состоится «2 ноября» 2018 г. в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Т.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул.Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-22-09, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 40). Адрес: 100000, г.Ташкент, ул.Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Автореферат диссертации разослан «16 октября» 2018 г.
(реестр протокола рассылки № от «16 октября» 2018 г.)



Т.З.Султанов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

А.А.Ягдиев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

А.М.Арифжанов

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одним из важнейших вопросов в мире является разработка методов сохранения пропускной способности, прогнозирования и предотвращения заиливания гидротехнических сооружений, таких как водохранилища, ирригационные каналы, подводящие каналы насосных станций и деривационные каналы гидроэлектростанций. В этой связи особое значение имеет усовершенствование технологий по развитию законов движения донных наносов в русле, а также уменьшения их негативного воздействия на гидротехнические сооружения и проточные части гидромашин. В этом направлении, в том числе в США, Германии, России, Китае и других развитых странах особое внимание уделено проектированию гидротехнических сооружений, ирригационных каналов, подводящих каналов насосных станций и деривационных каналов гидроэлектростанций, их эффективному использованию, а также повышению их водопропускной способности.

В мире ведутся целенаправленные исследовательские работы, направленные на разработку новых методов и технологий по прогнозированию, предотвращению и уменьшению заиливания водных объектов донными наносами. В этой связи, одной из основных задач является разработка новых методов и технологий, направленных на строительство, эксплуатацию и уменьшению процессов заиливания водохранилищ, ирригационных каналов, подводящих каналов насосных станций и деривационных каналов гидроэлектростанций с размываемым руслом.

В настоящее время в Республике ведутся обширные исследования, направленные на эффективное использование водоёмов, сохранение полезного объёма водохранилищ и пропускной способности каналов, разработке новых методов и конструкций по их защите от заиливания. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. указано о «... дальнейшем развитии мелиоративных и ирригационных объектов для повышения конкурентоспособности национальной экономики»¹. В этой связи для достижения стабильности производства сельскохозяйственной продукции важное значение имеет улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развития объектов ирригации и мелиорации, обеспечение их безопасной и стабильной работы, рационального и экономного использования водных ресурсов.

